

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;  
д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (кабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг микдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув микдorigа тенг. Марказлашган ҳолда иссеик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совук сув микдorigа 1,4 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув қурилмаларининг махсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

## VI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" бутун дебиторлик қарздорлигини сўндириши ва "Таъминотчи" билан чиқиб кетишдан камида — кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур, "Истеъмолчи" чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки кабул қилинган ичимлик суви хажми қурунинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда:  $M$  — 0,60га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

$F$  — сууклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)  $m^2$ ;

$g$  — 9,81 м/сек.га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  — сувнинг метрлардаги босими;

$t$  — вақт, 24 соат, секундларда.

### Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"нинг сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3. бандида қўрсатилганга мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома мuddатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларида сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламга алаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобини давлат назоратидан ўтказиш мuddатлари (икки йилда бир марта)га амал қилинмаганда;

6.3.8. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имкониятини чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақлаиш гидрантлари ва хонадон қувурлари) ўз бошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" ҳамда Бюро ходими томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўз бошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов мuddати, энг сўнгги тузилган далолатнома санаасидан ўз бошимчалик билан уланиб олинган кун санаасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилганкунгача, ёки ўз бошимчалик билан уланиш узибташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўз бошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлгансанагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу мuddат даъво аризаси ёзилган мuddатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланиган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу мuddат даъво мuddатига тенгдe болинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил мuddатга берилади. Белгиланган мuddат тугагач бунортмачи (объектни лойихалаштириш ва қуришни бошлашучун) лойиха мuddатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки мuddати ўтган ҳолларда "Таъминотчи" томонидан сув таъминотини тўхтатиш учун асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова суви чикариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан ҳоким қарори, кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва кабул қилинган оқова сув учун тўловлар "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кун мuddат ичида, акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг хар бир кун учун 0,4% пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.